


Рўйхат рақами 394

АТБ “Қишлоқ қурилиш банк”
Бошқарувининг
2022 йил “23” сентябр даги
32 -сонли қарори билан
тасдиқланган
Бошқарув раиси



А.А.Муратов

**АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” тизимида хорижий мамлакатлар
ва ҳалқаро ташкилотлар томонидан санкция қўлланилган жисмоний
ва юридик шахслар билан ишлаш тўғрисида тартиб**

(“23” сентябр 2022 йилдан кучга киради)

Тошкент – 2022 йил

**АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” тизимида хорижий мамлакатлар
ва халқаро ташкилотлар томонидан санкция қўлланилган жисмоний
ва юридик шахслар билан ишлаш тўғрисида тартиб**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Тартиб Ўзбекистон Республикасининг “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида” Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 27 апрелда 1948-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк хисобварақлари тўғрисида” йўриқнома, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 5 апрелда 916-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ички меъёрий ҳужжатларига қўйиладиган талаблар тўғрисида” низом ва бошқа норматив-ҳукукий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” (кейинги ўринларда – банк) тизимида хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар ваколатли органлари томонидан эълон қилинган санкциялар рўйхатига (кейинги ўринларда – Санкциялар рўйхати) киритилган жисмоний ва юридик шахслар билан ишлаш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Тартибда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

Скрининг модуллари – банкнинг автоматлаштирилган тизимидаги маълумотлар асосида ички назорат соҳасида автоматлаштириш жараёнлари жамланган махсус дастурий таъминот, яъни “Ички назорат” дастури ва SWIFT тўлов тизими орқали ўтказиладиган тўловларни турли Санкциялар рўйхати билан солиштириб текшириладиган дастурий таъминот;

Санкциялар рўйхати – Америка Қўшма Штатларининг Хорижий активларни назорат қилиш бошқармаси (OFAC), Европа комиссияси (ЕС), Буюк Британия ва бошқа чет давлатларнинг ваколатли органлари ва халқаро ташкилотлари томонидан эълон қилинадиган ёки ишончли, расмий манбаалар орқали тақдим этиладиган рўйхат, шунингдек, соҳавий ёки экспорт назорати бўйича қўшимча санкциялар рўйхатлари;

“Ички назорат” дастури – банк автоматлаштирилган тизимидаги маълумотлар асосида Ички назорат бошқармаси учун ишлаб чиқилган, ички назорат соҳасида автоматлаштириш жараёнлари жамланган махсус дастурий модуль;

банк автоматлаштирилган тизими – банкнинг mijozlariga хизмат кўрсатиш ва операцияларни амалга ошириш имкониятини берувчи автоматлаштирилган дастурий таъминотлар, технологиялар ва иловалар мажмуаси;

Санкция назорати – Санкциявий комплаенс хизмати дастурий воситалари, жумладан, “Ички назорат” дастури ёрдамида аниқланадиган, Санкциялар рўйхати билан mijozлар ва (ёки) операцияларни солиштириш, аниқлаш ҳамда тўхтатиш жараёни;

бош офис – банкнинг марказий идораси;

Ички назорат бошқармаси – Скрининг модулларидан фойдаланган ҳолда Санкция назоратини амалга ошириш бўйича банкнинг масъул таркибий бўлинмаси (дастлабки бўгин);

жойлардаги ички назорат ходими – Ички назорат бошқармасининг ҳудудий таркибий бўлинма(лар)га бириктирилган ходими;

Санкциявий комплаенс хизмати – Комплекс тарзда Санкция назоратини амалга ошириш бўйича масъул таркибий бўлинма (ўрта бўгин);

SWIFT бўлими – Санкция назоратини амалга ошириш бўйича масъул таркибий бўлинма (сўнги бўгин);

Санкциявий комплаенс хизмати ходимлари – Санкциявий комплаенс хизмати (Санкция назоратини амалга оширилиши учун масъул) раҳбари ва ходимлари;

банкнинг таркибий бўлинмалари – бош офиснинг таркибий бўлинмалари;

қўйи таркибий бўлинмалар – банкнинг ҳудудий таркибий бўлинмалари ва уларнинг ходимлари;

минимал солиштириш миқдор(лар)и – Скрининг модулларидаги хизматлар йўналишлари доирасида Санкциялар рўйхати билан автоматик тарзда солиштиришнинг минимал миқдорлари (солиштириш фоизи) белгиланадиган электрон жадвал (АБСнинг назоратдаги функционали);

операция иштирокчилари – мижозлар, уларнинг вакиллари, мижознинг операцияда иштирок этувчи ҳамкорлари (халқаро операциялар бўйича корреспондент ва воситачи молия институтларини инобатга олган ҳолда), шунингдек, мижозга алоқадор шахслар (таъсис ҳужжатлари асосида назорат қилувчи ёки назорати остидаги шахслар);

операцияларни тўхтатиб қўйиш - мижознинг пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни кўчириш, конверсиялаш, ўзга шахсларга эгалик қилиш ва фойдаланиш учун бериш, шунингдек, юридик аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги топшириқномалар ижросини тўхтатиб туриш;

махсус санкциялар – алоҳида фаолият тури ёки тақиқланган товарларни олди-сотдиси бўйича қўйилган санкциялар;

махсус анкета – норезидент жисмоний шахслар томонидан ўзи ҳақида тўлдириладиган умумий маълумотлар жамламаси;

тақиқланган товарлар – олди-сотдиси тақиқланган, яъни санкцияга тушган товарлар;

мос келиши – мижоз ёки операция иштирокчисининг идентификация (солиштириш) маълумотлари Санкциялар рўйхатида келтирилган барча тегишли маълумотлар билан аниқ ва бир хилда бўлиши;

ЭҲА – банкда электрон ҳужжат алмашинувини таъминлаш учун ишлаб чиқилган дастурий таъминот.

2-боб. Санкциялар рўйхатларни шакллантириш, янгилаб бориш ва ходимларга етказиш тартиби

3. Санкциялар рўйхати чет давлатларнинг ваколатли органларидан ҳамда халқаро ташкилотларнинг расмий маълумотлари ёки расмий каналлар орқали

олинган маълумотлар асосида, бош офисда Ички назорат бошқармаси томонидан “Ички назорат” дастурига юклаб борилади.

4. Рўйхат қуйидаги бўлимлардан иборат:

АҚШнинг Хорижий ативларни назорат қилиш бошқармаси (OFAC) томонидан ишлаб чиқилган санкциялар рўйхати;

Европа комиссияси томонидан ишлаб чиқилган санкциялар рўйхати;

Буюк Британия томонидан ишлаб чиқилган санкциялар рўйхати;

бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан олинадиган маълумотлар асосида шакллантириладиган рўйхат.

Санкциявий комплаенс хизмати томонидан таваккалчилик баҳоланиши натижасида кўшимча рўйхатлар жорий қилиниши мумкин.

5. Санкциявий комплаенс хизмати ходимлари Санкциялар рўйхатини тегишли ташкилотларнинг расмий веб-сайтида янгиланганлигини ва бошқа махсус каналлар орқали маълумотлар келиши ёки янгиланишини кузатиб боради (Рўйхатга масъул бўлган ходимлар).

6. Санкциявий комплаенс хизмати ходимлари томонидан халқаро ёки махсус санкциялар (секторал санкциялар, эмбарго ёки экспорт/импорт назорати) қўлланилган мамлакатлар рўйхатлари расмий манбалардан олинган вақтдан эътиборан бир иш кунида таркибий бўлинмаларга етказилади.

Қўлланилган санкциялар турлари Санкциявий комплаенс хизмати томонидан (бундай мамлакатлар билан муносабатлар бутунлай ёки қисман тақиқланишидан келиб чиқиб) кўрсатма сифатида банкнинг таркибий бўлинмаларига етказилади.

Мамлакат ёки махсус санкциялар бўйича ташқи иқтисодий фаолият операциялари юзасидан ностандарт (мазкур Тартиб билан мувофиқлаштирилмаган) вазиятлар вужудга келган ҳолларда, банкнинг тегишли таркибий бўлинмалари бундай операцияларни амалга оширишдан олдин Санкциявий комплаенс хизмати билан маслаҳатлашиши лозим.

7. Санкциялар рўйхатини электрон усулда қабул қилган таркибий бўлинмалар ва уларнинг ходимлари Санкциялар рўйхатининг махфийлигини сақлаш бўйича қонунчилик ҳужжатларида келтирилган чора-тадбирларни амалга оширишлари лозим.

3-боб. Санкциялар рўйхатига киритилган шахслар ҳамда тақиқланган товарларни солиштириш ва операцияларни тўхтатиб қўйиш тартиби

8. Мижоз ёки ҳамкорлар билан муносабат ўрнатишдан, уларнинг операцияларини амалга оширишдан ёки ҳужжатларини ижрога қабул қилишдан олдин мижозларга хизмат кўрсатувчи қўйи таркибий бўлинмалар ходимлари мижоз ва операция иштирокчиларини (мижоз ва контрагент, контрагент банклар) банк автоматлаштирилган тизими (“Шубхали шахсларни кидириш” модули) ҳамда Санкциявий комплаенс хизмати томонидан тақдим этиладиган (Microsoft Excel жадваллари асосида) янгиланган Санкциялар рўйхати билан (лотин ва кирил алифбосида, мижоз ёки операция томонларининг номларини киритган ҳолда) солиштиради.

Дастлабки солиштириш давомида операция иштирокчиларидан бири ёки ҳар қандай операцияни амалга оширмоқчи бўлган томонлардан бири Санкциялар рўйхати билан мос келган ҳолларда, уларга хизмат кўрсатиш ва операцияни давом

эттириш тақиқланади. Мазкур жараёнда қуйи таркибий бўлинмалар жойлардаги ички назорат ходими ва Санкциявий комплаенс хизмати ходимларига ҳолат аниқланган пайтдан бошлаб хабар қилишлари лозим.

Янгиланган Санкциялар рўйхати билан мос келган операция иштирокчиларини (шу жумладан, ҳаракатсиз ёки фаол мижозларни) аниқлаш мақсадида Санкциялар рўйхатига масъул бўлган ходимлар “Ички назорат” дастуридаги махсус солиштирув функцияси орқали мавжуд мижозлар базасини кунлик тарзда солиштиришлари лозим.

9. Санкциялар рўйхати билан солиштиришнинг кейинги босқичида “Ички назорат” дастурининг тегишли модуллари воситасида Санкциялар рўйхати билан солиштириш автоматик тарзда амалга оширилади.

Санкциялар рўйхати билан солиштириш банкнинг таркибий бўлинмалари ва ходимлари томонидан мижозлар ёки операциялар тасдиқланиши давомида мижозларга хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича (масалан, мижоз маълумотларини базага киритган ҳолда янги мижозни идентификация қилиш ёки халқаро пул ўтказмаси бўйича операцияларни амалга ошириш ва бошқалар) минимал солиштириш миқдорлари киритилган электрон бошқарув тизимида амалга оширилади.

Минимал солиштириш миқдор(лар)ини электрон бошқарув тизимига киритиш Санкциялар рўйхатига масъул бўлган ходимлар томонидан банк фаолиятидаги соҳалар, операциялар, технологиялар ва санкциялар бўйича таваккалчиликлардан келиб чиқиб, Ички назорат бошқармаси бошлиғини ёки Риск менежмент бошқармаси бошлиғини ёзма хабардор қилган ҳолда (маълумотнома тақдим этиш орқали) амалга оширилади.

Санкциялар рўйхати билан солиштиришни автоматик тарзда амалга ошириш бўйича автоматлаштирилган база (“Ички назорат” дастури)даги созламалар қайси тартибда ва қачон ўзгартирилганлиги Ички аудит департаменти томонидан текширилиши мумкин.

10. Қуйи таркибий бўлинмалар норезидент жисмоний шахсни риск-профилини аниқлаш бўйича вазифаларни, шу жумладан мижоз бўйича махсус анкетасини шакллантириш, у билан суҳбат ўтказиш, пул маблағлари манбаларининг қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжатларни олиш, олинган маълумотларни ҳаққонийлигини текшириш, улар асосида ҳулоса бериш ва хизмат кўрсатишни рад этиш тартибларини назарда тутган ҳолда ҳисобрақамлар очади. Қуйи таркибий бўлинма ходимлари норезидент жисмоний шахсларга ҳисобрақам очишдан олдин юқоридаги маълумотлар асосида уларни лозим даражада ўрганади, яъни Санкциялар рўйхати билан солиштиради ҳамда бир вақтнинг ўзида жойлардаги ички назорат ходимлари ва Санкциявий комплаенс хизмати ходимларига маълумотлар тақдим этади.

11. Ташқи савдо операцияларининг хилма-хиллигини инобатга олган ҳолда, бош офисдаги ташқи савдо операцияларига масъул бўлган таркибий тузилма ва SWIFT тўлов тизими билан ишловчи ходимлар ҳам Санкциялар рўйхати билан мустақил равишда операция иштирокчиларини (хорижий ҳамкор номи, банки, раҳбари, тўлов қилинаётган товар ва хизмат номи) солиштиришлари шарт. Агар, томонлардан бири Санкциялар рўйхати билан мос келган ҳолларда, уларга хизмат кўрсатиш ва операцияни давом эттириш тўхтатилади ва Санкциявий комплаенс хизмати томонидан мижозларга хизмат кўрсатувчи ходимдан қўшимча изоҳлар ҳамда

тушунтиришлар талаб қилинади. Хато ва камчиликлар аниқланган тақдирда, Санкциявий комплаенс хизмати томонидан камчиликка йўл қўйган ходимга нисбатан тегишли интизомий жазо чорасини қўллаш учун раҳбариятга маълумот киритилади.

12. “Ички назорат” дастури ва Скрининг модулларидаги операциялар ҳамда уларнинг иштирокчиларини солиштириш бўлимида (Шубхали шахсларни аниқлаштириш) ҳаракат (масалан, мижозга ҳисобрақам очиш, уни мижоз сифатида тасдиқлаш), операция ва унинг иштирокчилари минимал солиштириш миқдорлари воситасида автоматик тарзда солиштирилади.

“Ички назорат” дастури ва Скрининг модуллари солиштириш натижаси бўйича ҳаракат ёки операцияни амалга ошираётган банкнинг таркибий бўлинмаси ва ходимларига (мижозга хизмат кўрсатаётган масъул ижрочиға) ҳаракат ёки операция тўхтатилганлиги ва Санкциявий комплаенс хизматига хабар қилиниши лозимлиги тўғрисида автоматик хабар беради.

13. Операция тўхтатилганлиги бўйича автоматик хабар олингандан сўнг қуйи таркибий бўлинмалар томонидан қуйидагилар амалга оширилади:

мижоз бўйича маълумотларни киритаётган, ҳаракатни ёки операцияни амалга ошираётган қуйи таркибий бўлинмалар бир вақтнинг ўзида жойлардаги ички назорат ходими ва Санкциявий комплаенс хизмати ходимига минимал солиштириш ҳолати (чеклаш) юзасидан, мижознинг (ёки унинг контрагентининг) маълумотларини келтирган ҳолда телефон ёки ЭҲА орқали мурожаат этади;

мижозга санкцияларнинг оқибатлари ҳамда мижознинг маблағлари ҳамкор банклар томонидан музлатилиши (операцияларни тўхтатиб қўйилиши) эҳтимолини тушунтирилади;

минимал солиштириш миқдорлари бўйича тўхтатилган мижоз ёки операция иштирокчисининг мос келиши бўйича Санкциявий комплаенс хизмати ходимларининг талабларига биноан мижоз, операция ёки унинг иштирокчилари ва товарлар тўғрисидаги қўшимча маълумотларни мижоздан олиб беради;

қуйи таркибий бўлинма мижозга бош офисдан олинган кўрсатма натижасини билдириб, ушбу ҳолат бўйича ёзма жавоб хатини юбориши лозим.

14. Жойлардаги ички назорат ходими томонидан қуйидагилар амалга оширилади:

минимал солиштириш миқдорлари бўйича операцияси тўхтатилган мижоз ёки операция иштирокчисининг Санкциялар рўйхати билан мос келиши жойлардаги ички назорат ходими томонидан ўрганилади;

жойлардаги ички назорат ходими Санкциялар рўйхати билан мослик даражасини аниқлаш мақсадида, операция иштирокчилари бўлган юридик шахслар тўғрисида қўшимча маълумот (жумладан, операция иштирокчиси – юридик шахснинг таъсис, бошқарув ёки давлат рўйхатидан ўтганлиги бўйича ҳужжат ва маълумотлари), жисмоний шахслар бўйича уларнинг шахсларини тасдиқловчи ҳужжатларнинг электрон нусхаларини қуйи таркибий бўлинмалар орқали мижоздан ёки унинг вакилидан сўраб олинади;

минимал солиштириш миқдори орқали тўхтатилган (дастурда чекланган) мижоз, ҳаракат ёки операция иштирокчилари Санкциялар рўйхати билан мослиги аниқланган ҳолда ёки гумонлар мавжуд бўлганда жойлардаги ички назорат ходими Санкциявий комплаенс хизмати томонидан тақдим этилган Санкциялар рўйхати билан солиштиради ва зарур ҳолларда қуйи таркибий бўлинмалар томонидан тақдим қилинган операция иштирокчилари ва операция мазмунини бўйича қўшимча

маълумотларни тўлақонли текшириш учун Санкциявий комплаенс хизматига йўллайди;

шунингдек, мижоз томонидан операция бўйича керакли ҳужжатлар ёки маълумотлар тақдим этилмаган ҳолларда операцияни Санкциявий комплаенс хизмати томонидан чеклаш бекор қилинмайди;

солиштириш натижасида мижоз, операция ёки унинг иштирокчиларидан бири тўғрисидаги маълумотлар Санкциялар рўйхати билан қисман мос келган (номлар ўртасида битта ёки иккита харфга фарқ қилса) ҳолларда, идентификация маълумотларини қайта текшириш орқали Санкциявий комплаенс хизмати ходимлари томонидан “Ички назорат” дастурида чекловни бекор қилиш амалга оширилади;

жойлардаги ички назорат ходими иш куни бошлангандан сўнг, ҳар 15 дақиқада тўхтатилган ҳаракат ёки операцияларнинг рўйхатини текшириб туради;

иш куни бўлмаган кунларда амалга оширилган, бироқ минимал солиштириш миқдори бўйича дастурда автоматик тарзда чекланган операциялар бўйича ҳолатлар юз берган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмаган ҳолда кўрилади.

15. Ташқи савдо операцияларининг хилма-хиллигини инобатга олган ҳолда банкнинг таркибий бўлинмалари (ташқи савдо операцияларига масъул бўлган таркибий тузилма ва SWIFT тўлов тизими билан ишловчи бўлинма ходимлари) ҳам Санкциялар рўйхати билан операция иштирокчиларини (хорижий ҳамкор номи, давлати, банки, раҳбари, тўлов қилинаётган товар ва хизмат номи) мустақил равишда солиштиришлари шарт. Фаолияти давомида мижозлардан олинган ҳужжатлар (маълумотлар) бўйича Санкциялар рўйхати билан мос келиши ёки санкция қўлланилган соҳалар (товарлар, хизматлар)га пул маблағларини ўтказиш ҳолатлари аниқланса, уларга хизмат кўрсатиш ва операцияни давом эттириш тўхтатилади ва Санкциявий комплаенс хизматига телефон орқали хабар берилади.

16. Минимал солиштириш миқдори орқали тўхтатилган (дастурда чекланган) мижоз, ҳаракат ёки операция иштирокчилари Санкциялар рўйхати билан мослиги аниқланган ҳолда Санкциявий комплаенс хизмати томонидан қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилади:

Санкциявий комплаенс хизмати бошлиғи томонидан мижоз билан муносабатга киришиш ёки киришмаслик, операцияни амалга ошириш ёки амалга оширмаслик бўйича бошқарув раиси ёки унинг ваколатли ўринбосарига хулоса тақдим этилади;

бошқарув раиси ёки унинг ваколатли ўринбосари Санкциявий комплаенс хизмати томонидан тақдим этилган хулоса доирасида бош офис таркибий бўлинмаларга қуйидаги кўрсатмани бериши мумкин:

мижоз ва унинг амалга оширилиши режалаштирилган операцияси муҳимлигига кўра бош офис таркибий бўлинмаси томонидан “Асосий савдо ҳамкорларидаги вазиятнинг ижтимоий-иқтисодий таъсирини юмшатиш бўйича Республика комиссияси”нинг мазкур операцияни ўтказишга мижозга тақдим этилган ижобий хулосаси асосида амалга ошириш;

мижоз операцияларини рад этиш.

Юқоридаги ҳолатлар юзасидан банкнинг таркибий бўлинмаси ЭҲА тизими орқали қуйи таркибий бўлинмага (бўлинма раҳбари ва фронт-офис бўлими раҳбарига) электрон хизмат ёзишмаси орқали бир иш куни давомида хабар бериши лозим.

17. Тўхтатишни бекор қилиш амалга оширилмаган мижозлар бўйича электрон архивланган маълумот “Ички назорат” дастуридаги махсус бўлимда сақланади ва Санкциявий комплаенс хизмати томонидан мониторинг қилиб борилади.

18. Санкция қўлланган давлатлар ва ҳудудларга боғлиқ (рўйхатда турган ёки яшаётган) мижозлар билан муносабатга киришиш ёки улар билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш тақиқланади. Бундай давлатлар ва ҳудудлар рўйхати санкциялар кенгайтиши ёки ўзгариши доимий равишда янгиланади ҳамда Санкциявий комплаенс хизмати томонидан бош офис ва қуйи таркибий бўлинмаларга тақдим этиб борилади.

19. Санкциялар рўйхати билан мос келмаган (мослиги ўз тасдиғини топмаган) мижозлар ва операциялар бўйича маълумотлар “Ички назорат” дастурида электрон тартибда сақланади. Санкциялар рўйхати билан мос келган барча ҳужжатлар ва маълумотлар қонунчиликда белгиланган муддатларда махфийлиги таъминланган ҳолда сақлаб борилади.

4-боб. Яқуний қоидалар

20. Мазкур Тартиб талаблари ижроси банкнинг барча таркибий бўлинмалари учун мажбурий ҳисобланади.

21. Қуйи таркибий бўлинмалар томонидан мазкур Тартибга риоя этилиши устидан мониторинг ва назорат Санкциявий комплаенс хизмати томонидан амалга оширилади.

22. Ушбу Тартиб талаблари бузилишида айбдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

23. Мазкур Тартиб банк бошқаруви томонидан тасдиқланган кундан бошлаб қучга киради.

**Санкциявий комплаенс
хизмати эксперти**



Р. Тохтаев

Ички меъёрий ҳужжатларни кўриб чиқиш бўйича эксперт гуруҳи:

К. Исмоилий

А. Атажанов

Э. Атабаев

К. Яхшиев

Ғ. Джаббаров

А. Қодиров

Ш. Лафасов

Р. Бойназаров

Ш. Очилов

ATB "Qishloq qur'ish bank"
ICHKI ME'YORIY HUJJAT

2022 йил 23 сентябрь

Тошкент ш.

ЮРИДИК ХУЛОСА

Юридик департамент томонидан АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» тизимида хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар томонидан санкция қўлланилган жисмоний ва юридик шахслар билан ишлаш тўғрисида тартиб лойиҳаси белгиланган тартибда ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди.

Мазкур Тартиб лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида» Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 27 апрелда 1948-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисида» йўриқнома ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 5 апрелда 916-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган «Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ички меъёрий ҳужжатларига қўйиладиган талаблар тўғрисида» низомга мувофиқ ишлаб чиқилган

Мазкур Тартиб АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» тизимида хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар ваколатли органлари томонидан эълон қилинган санкциялар рўйхатига (кейинги ўринларда – Санкциялар рўйхати) киритилган жисмоний ва юридик шахслар билан ишлаш тартибини белгилайди.


Ушбу ички меъёрий ҳужжат лойиҳасида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид шартлар (қоидалар) аниқланмади.

Мазкур ҳужжат лойиҳасини тасдиқлаш АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Бошқаруви ваколатига киради.

Юридик департамент
бошқарма бошлиғи



Ғ. Джаббаров



Aksiyadorlik tijorat banki

Qishloq qurilish bank

BOSHQARUVI QARORIDAN KO'CHIRMA

2022 yil 23 sentabr №32

Toshkent sh.

13. АТБ “Қишлоқ қурилиш банк”нинг айрим ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш тўғрисида

Р.Тохтаев, Д.Муминова, А.Маликов, Х.Махмудов, Бошқарув аъзолари

БОШҚАРУВ ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Кун тартибидаги масала юзасидан Банк маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш департаменти (А.Маликов), Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи департаменти (Х.Махмудов), Санкциявий комплаенс хизмати (Р.Тохтаев), Банк Аёллар кенгаши (Д.Муминова)нинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Банк Бошқаруви муҳокамасига киритилган қуйидаги ички меъёрий ҳужжатлар:

- “АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” тизимида хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар томонидан санкция қўлланилган жисмоний ва юридик шахслар билан ишлаш тўғрисида Тартиб”; ✓

- “АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Мижозларини кредитлаш Тартиби”га 6-сонли ўзгартиришлар ва қўшимчалар; ✓

- “АТБ “Қишлоқ қурилиш банк”да мижозларга банк ҳисобварақларини очиш ва ёпиш Тартиби”га 3-сонли қўшимча; —

- “АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” тизимида хотин-қизлар масалалари бўйича бошланғич ташкилоти тўғрисида Низом”; ✓

- “АТБ “Қишлоқ қурилиш банк”да Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан олий, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитини ажратиш тартиби” (янги таҳрирда) иловаларга мувофиқ тасдиқлансин ҳамда Бошқарувнинг мазкур қарори тасдиқланган кундан бошлаб амалга киритилсин. ✓

3. Методология ва бизнес жараёнлар бошқармаси (Э.Атабаев) тегишли таркибий тузилмалар билан биргаликда мазкур ички меъёрий ҳужжатлар банк Бошқаруви томонидан тасдиқлангандан сўнг, уларнинг нусхалари ишда фойдаланиш ва унга риоя қилиш учун барча филиалларга (ХБ, БХО, БХМ) етказилишини таъминласин.

4. Ахборот ва коммуникациялар бошқармаси (Ш.Орипов) мазкур қарор билан тасдиқланган ички меъёрий ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотларни Банкнинг расмий веб сайтида жойлаштирилишини таъминласин.

5. Филиал (ХБ, БХО, БХМ) бошқарувчилари мазкур қарор билан тасдиқланган ички меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш юзасидан техник ўқувлар ўтказсин ҳамда уларнинг талабларини ходимлар томонидан тўлиқ бажарилишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Бошқарув раиси ўринбосари К.Исмоилий ва Чакана бизнес бўйича бош директор А.Атажанов зиммасига юклатилсин.

Бошқарув раиси

А.Муратов

Бошқарув котиби

А.Абдуллаев

